

одним из основных условий успешного внедрения результатов инновационной деятельности в любой стране. Индивидуальность инновационных продуктов требует от каждого предприятия разработки своего собственного подхода к данному процессу.

В заключении следует отметить, что на пути коммерциализации существует множество трудностей, к примеру, запатентовать свою инновацию. Этот процесс может занимать до года. Затем необходимо решить воплотить проект в жизнь самостоятельно, продать лицензию или продать все права. Но если проект проходит через все трудности и успешно воплощается на практике, то он может окупиться в десятки раз. Все это требует создания соответствующей нормативно-правовой базы и реализации механизма ее работы.

Адабиётлар рўйхати:

1. Катешова М., Квашнин А. Как продвигать проекты коммерциализации технологий // Серия методических материалов «Практическое руководство для центров коммерциализации технологий». – 2006. URL: <http://www.sci-innov.ru/comtech/materials/?page=3>
2. Козметский Дж. Вызов технологических инноваций на пороге новой эры общемировой конкуренции // Трансфер технологии и эффективная реализация инноваций / Под ред. Н.М. Фонштейн. – М.: АНХ, 1999. – С.2.
3. Комков Н.И. Проблемы коммерциализации научных исследований и направления их решения / Н.И. Комков, Н.Н. Бондарева // Проблемы прогнозирования. 2007. – № 1.
4. Комков Н.И. Требования и условия оценки эффективности бизнес-инноваций в условиях рыночной конкуренции / Н.И. Комков, Г.Г. Балаян, Н.Н. Бондарева; под ред. А.Г. Коровкина // Научные труды ИМП РАН. – М.: Макс-Пресс, 2005. – С. 27.
5. Крутик А.Б. Направления коммерциализации отечественных инновационных разработок / А.Б. Крутик, Д.С. Криворотов // Научно-технические ведомости СПбГПУ. – №1. 2013.
6. Крутик А.Б. Ильина Л.В. Коммерциализация как путь реализации инновационных разработок // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент. – № 1. Том 7. 2013. – С.51.
7. Ляшин А. Стратегии коммерциализации инноваций — мост между инноватором и бизнесом // Экономика и жизнь. 2011. – №36 (9402). URL: <http://www.eg-online.ru/>
8. Монастырный Е.А., Грик Я.Н. Ресурсный подход к построению бизнес-процессов и коммерциализации разработок // Инновации. 2004. – № 7. – С. 85–87.
9. Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. – М.: Магистр, 2010. – С.51.
10. Porter M. The Impact of Location on Global Innovation // The Global Competitiveness Report. 2002–2003. – P. 227.
11. http://fido.fem.spbstu.ru/modules/library/text_book.php?id=2&page=112
12. <http://www.technopark.by/business/207.html>

А.А. Аманов

ИИБ Академияси катта илмий ходим-изланувчиси

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА АХБОРОТНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТ

Аннотация: мақолада ахборот тушунчасига берилган илмий-назарий таърифлар таҳлил қилиниб, ахборот тушунчасига таъриф ишлаб чиқилган ва фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юриталади.

Калит сўзлар: ахборот, ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот тушунчасига миллий ва халқаро қонунчиликда ҳамда назарий адабиётларда берилган таърифлар.

Аннотация: В статье на основе анализа научно-теоретических толкований понятия информации разработана авторская дефиниция данного термина и ведутся размышления над сущностью и значением информации как объектом гражданского права.

Ключевые слова: информация, особенности информации, толкование информации в национальном и международном законодательстве и литературе.

Annotation: In article on the basis of the analysis of scientific-theoretical interpretation of concept of the information is developed author's mean of the given term and the reflections above essence and importance of information as object of civil law are conducted.

Key words: information, features of the information, interpretation of the information in national and international legislation and literature.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жамиятнинг муҳим ресурси сифатида ахборотнинг ўрни ва аҳамияти янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”. [1, 28-бет.]

Дарҳақиқат, бугунги кунда жамият ижтимоий ҳаётида ва айни пайтда ҳуқуқ тизимида кенг қўлланилаётган атамалардан бири бу – “ахборот” тушунчасидир. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида яратилган қонунчилик тизимининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “ахборот” атамаси тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги глобаллашув даврида ахборот фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари – фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқий мақомига, умуман жамият иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатадиган “қиймат” сифатида ўзини намоён этмоқда.

Қайд этиш лозимки, “ахборот” термини ХХ асрнинг ўрталарида

Клод Шеннон томонидан муомалага киритилган бўлиб, у мазкур терминдан алоқа назариясини асослашда фойдаланган ҳамда телеграф кодларини етказишда қўлланиладиган ибора сифатида эътироф этган. [2, 36-бет.]

Айни пайтда, бугунги кунда “ахборот” тушунчаси халқаро ҳужжатларда [3] ҳам кенг қўлланилмоқда, қолаверса ахборот технологиялари аксарият мамлакатларда давлат ҳокимияти органлари, компаниялар ва корхоналар фаолиятининг зарурий шартига айланиб улгурди. Назаримизда, ҳозирги вақтда инсоният ривожланиш цивилизациясининг янги ахборот даврига, яъни замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари фаол ривожланиши ва кенг тарқалиши, ижтимоий жараёнлар ва инсонлар ҳаёт фаолияти соҳаларининг ахборотлашуви билан тавсифланадиган жамиятга кадам қўйди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсоният кундалик турмушида ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида “ахборот” тушунчаси кенг қўлланилаётган бўлса-да, ammo унинг барча ўзига хос жиҳатларини акс эттира оладиган яхлит таъриф ҳамда унинг таснифланиши ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, ушбу ҳолат “ахборот” тушунчасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси, қонунчиликнинг турли йўналишлари ва фанлар назариясига боғлиқ ҳолда турлича талқин этилишига боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга бу борада фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил этишда, дастлаб унинг луғавий ҳамда ҳуқуқий маъноларига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади.

Чунончи, “ахборот” сўзининг луғавий маъносини аниқлаш учун “*хабар*” ва “*ахбор*” сўзларини ўзаро қиёслаш лозим. Бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам арабча бўлиб, *хабар* – “маълумот етказиш”, “маълумот бериш”; *ахбор* ва *хабар* сўзининг кўплиги; – от – араб тилида исмга қўшилиб кўплик ҳосил қилувчи қўшимчадир. Ўзбек тилида *хабар* ҳам, *ахборот* ҳам бирликда, “*хабар*” маъносини англатиш учун қўлланади. [4, 47-бет.]

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ахборот – иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи *хабар*, маълумот [5, 119-бет.] эканлиги, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса 1) бирон воқеа ҳақидаги батафсил *хабар*, маълумот; 2) баъзи вақтли нашрларнинг номи (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ахбороти ва б.) [6] сифатида эътироф этилганлигини кузатиш мумкин.

Назаримизда, юқорида қайд этилган таърифлар ва нуқтаи назарларнинг умумий мазмун-моҳиятида “ахборот” тушунчасининг асосан, воқеа, ходиса, жараён ёки маълум бир иш ҳақидаги *хабар* ҳамда маълумотлар мажмуини қамраб олган, деган хулосага келиш мумкин. Лекин, ахборот атамаси бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларида кенг қўлланилаётган тушунчалардан бири бўлганлиги сабабли, унинг мазмун-моҳиятига батафсил эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида “ахборот” тушунчаси бугунги кунда алоқа тизими, телекоммуникация тизимининг жадал ривожланиши, бир сўз билан айтганда, глобаллашув жараёнларида вужудга келаётган ва жадал ривожланаётган ижтимоий

муносабатлар билан ҳамоҳанг тарзда қўлланилаётганлиги билан узвий боғлиқ.

Бинобарин “ахборот”га берилган таърифларни таҳлил қилишда фанлар нуқтаи назаридан бир нечта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Жумладан, фалсафа фани вакиллари “ахборот”ни “маълумот бериш” сифатида эътироф этишларини кузатиш мумкин. Хусусан, Н.Винер фикрича, “Ахборот – ташқи оламга кўникаш жараёнидан ундан олинган мазмунни ифодалашдир” [7, 620-бет.].

Н.А.Шермухаммедованинг таъкидлашича, “Ахборот – объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади. Обьективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги – ахборотнинг муҳим хусусиятларидир”. [8] Бошқа манбаларда эса, “ахборот – бу тайёрланган маълумотлардан бирор нарса (жараён, ҳодиса) тўғрисида аниқликни ошириш мақсадида фойдаланган маълумотлар; истеъмол учун тайёрланган теварак-атроф (манбалари)дан олинган маълумотлар [9, 9-10-бет.] эканлиги эътироф этилади.

Бундан ташқари, иқтисодий фанлар назариясида ҳам “ахборот” тушунчасига нисбатан нуқтаи назарлар илгари сурилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, О.Т.Кенжаев, А.О.Рўзиев каби иқтисодчи олимлар ахборотни: узлуксиз ҳосил бўлиши; ҳарф-рақамларда ифодаланиши; дискрет характердалиги; йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажариш мумкинлиги [10, 23-34-бет.] каби хусусиятларга эга эканлигини эътироф этишади. Ушбу фикрлар ҳам ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари муайян мураккабликларга эга эканлигини кўрсатади.

Х. Дўстмухаммад эса “Иқтисодий эркинлик бозор, буюм, маблағ, харид ва харидор тушунчаларига бориб тақалмай иложи йўқ. “Ахборот” сўзининг таърифи кўп, лекин уни бозорий ва иқтисодий нуқтаи назардан таърифлаш керак бўлса, ахборот аввало – буюм! Бозорда сотиладиган товар”, деб таъкидлайди. [11, 19-бет.]

Юридик фанда эса “ахборот” тушунчасини академик Ҳ.Рахмонқулов шундай изоҳлаган бўлиб, унинг фикрича “Ахборот – уларнинг тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади”. [12, 278-бет.]

Фикримизча, “ахборот” тушунчасига юқорида берилган таърифлар ва илгари сурилган нуқтаи назарларда ушбу атамани ижтимоий воқеликнинг турли йўналишларида қўлланиладиган маълумотлар сифатида тавсифлашга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, ушбу тушунчага ягона таъриф ҳам мавжуд эмас. Чунки, ижтимоий ва аниқ фанларнинг соҳаларига қараб олимлар томонидан турлича ёндашганликлари кузатилади.

Мамлакатимиз миллий қонунчилигида, хусусан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида ахборот тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар”дир [13]. Айни пайтда, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қирғизистон Республикалари ва бошқа бир қатор

давлатларнинг мавжуд қонунчилигида ҳам “ахборот” тушунчаси юқоридаги таъриф билан ҳамохан тарзда ифодаланганлигини кузатиш мумкин [14].

Жумладан, 1978 йилда АҚШ нинг Флорида штатида қабул қилинган “Компьютер жинойтлари тўғрисида”ги актнинг 815.03-бўлимида “ахборот” тушунчаси маълумот, билимлар, фактлар, тушунчалар, дастурли таъминот, компьютер дастурлари ёки йўриқномалар тақдим этилишини англатади. Ахборотлар турли шаклда бўлиши мумкин, улар дискда ёки компьютер хотирасида сақланади [15] дея таъкидланган.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча “ахборот” тушунчасига миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигида берилган таърифлар бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган давр талаблари, унинг турли соҳаларда кенг қўлланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тушунчанинг барча қирралари қамраб олинмаган. Чунинчи, ҳар қандай етказилаётган хабар ёки маълумот ҳамини ахборотга хос бўлган жиҳатларни тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Бу ўринда, ахборот сифатида етказилаётган хабар ёки маълумотга қўйиладиган талаб ва мезонларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, Ж.М.Абдуллаевнинг ахборот деб берилаётган хабар ёки маълумотга қўйиладиган талаб ва мезонлар юзасидан илгари сурган фикрлари эътиборга моликдир. Хусусан, унинг таъкидлашича “ахборот” ўзида қўйидагиларни акс эттириши лозим: у бир субъект (маълумот субъекти) томонидан бошқа бир субъектга (маълумот объектига) ўтиши; воқеа-ҳодисанинг у ёки бу томонини аниқ ва ҳаққоний ифода этиши; ахборотнинг объекти юзасидан муаммони ечиш ёки хулоса қабул қилиш учун ахборот субъектига нисбатан муҳимлик ва долзарблик касб этиши зарур [16, 11-бет.].

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборотни фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида эътироф этиш учун у муайян омиллар таъсирида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши лозим. Чунки, ахборот одатий маҳсулот эмас.

Юқорида “ахборот” тушунчасига берилган таърифлар, билдирилган фикрлар таҳлилдан келиб чиқиб, “ахборот тушунчасини умумлаштириш, инсонларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари ва фаол турмуш тарзи олиб боришларида бевосита таъсир кучига эга бўлган ушбу тушунчанинг турли қирраларини яхлитлаш ўта мушкул иш” деган хулосага келиш мумкин. Бунинг асосий сабаби “ахборот” тушунчасининг кенг маънода турли соҳаларда қўлланилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги кундалиқ тушунчалар билан сингиб кетганлигидадир.

Назаримизда, ахборотнинг тарқатиш, узатиш, етказиш, қайта ишлаш каби амалларни бажара олиш мумкинлиги, унинг объективлиги, аниқлиги, яхлитлиги, тўлиқлиги ҳамда жамият ижтимоий ҳаётидаги барча соҳаларини ўзида қамраб олиши лозимлигини ҳисобга олиб, унга қўйидаги таърифни бериш мумкин:

“Ахборот – бу тарқатиш, узатиш, етказиш, қайта ишлаш каби амалларни бажара олиш мумкин бўлган, объектив, аниқ, яхлит, тўлиқ ҳолда жамият бошқарувида ҳамда инсон билан жамиятни боғлаб туришида асосий хизмат қилувчи хабар, билим, бирор-бир иш ҳолати ёки вазияти, фаолияти ҳамда шарт-шароити тўғрисидаги маълумотдир”.

Фикримизча, маълумотлар одатда фактлардан ташкил топган бўлиб, улар муайян бир босқичда

ахборотга айланади ва одамлар учун тушунарли бўлади ҳамда ахборотнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ахборот бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида умумдавлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида кенг қўлланилмоқда. Бу борада фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида “ахборот”нинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда унинг қўйидаги белгиларга эга эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ахборотни объективлиги, яъни, ахборот содир бўлган воқеа-ҳодисага, жараён ва ҳолатларга айнан мос бўлиши;

иккинчидан, ахборотни аниқлиги, яъни, тақдим этилаётган ёки етказилаётган ахборот истеъмолчилар учун тушунарли, аниқ ҳолда бўлиши;

учинчидан, ахборотдан қайта-қайта фойдаланиш мумкинлиги, яъни ушбу фаолият истеъмолчиси ўзи олган ёки эгалик қилаётган ахборотдан бир неча бор, такрор фойдалана олиши;

тўртинчидан, ахборотни истеъмолчига ҳар хил усулда етказилиши, яъни ахборотга эгалик қилувчи субъект ўз маҳсулотини қонун ҳужжатларига ва шартномага асосланган ҳолда эркин асосда етказа олиши;

бешинчидан, ахборотнинг яхлитлиги, тўлиқлиги, яъни бунда истеъмолчига берилаётган ахборот маҳсулоти бутун ҳолатда берилиши;

олтинчидан, ахборотни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажариш мумкинлиги, яъни берилаётган объектдан истеъмолчи қонун ёки шартнома шартларига мувофиқ бир қанча ўзи учун фойдали ҳаракатларни бажара олиши лозимлиги.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектларини уларнинг хусусиятлари, белгилари ва тартибга солиш асосларининг аҳамиятлари, шунингдек муомалада бўлиши ёки бўлмаслиги ҳисобга олинган ҳолда икки тоифага, яъни моддий ва номоддий неъматларга ажратилади. Бу борада академик Ҳ.Раҳмонқулов шахсининг муайян эҳтиёжларини қондирувчи неъматларга йўналтирилган фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳаракатлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланишини таъкидласалар [17, 6-бет.], Д.Қараходжаева фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти тушунчасини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бир элементи ҳисобланиши ва ҳамини манфаатдор тарафларнинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлиши билан боғлайдилар [18, 90-бет.].

Ушбу нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ахборотни моддий ёки номоддий неъматларга киришини таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Жумладан, ФКнинг 98-моддасида фуқаролик ҳуқуқининг номоддий объекти сифатида фақатгина хизмат ва тижорат сирлари белгиланган бўлиб, ушбу норма мазмуни ҳар қандай ахборотни эмас, балки бошқа шахсларга тарқатилиши мумкин бўлмаган, сақланиши зарур бўлган ёки тижорат хусусияти билан боғлиқ ҳолда муайян даражада қимматга эга бўлиши туфайли сир сақланиши керак бўлган ахборотларни назарда тутати ва бу турдаги ахборотлар маълум бир белгиларга эга бўлиши лозим.

Жумладан:

– учинчи шахсга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлиши лозим;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ташқари, ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин эмаслиги;

– ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чора кўрган бўлиши зарур.

Шунингдек, 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига биноан эса “юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга” [19].

Ушбу юқоридаги белгилардан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган хизмат ва тижорат билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланиш, ушбу ахборотнинг махфий сақланишини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, адабиётларда ахборотнинг моддий ёки реал кўринишга мос келишига қарама-қарши билдирилган фикр-мулоҳазалар мавжуд эмас. Шу билан бирга, ахборот олиб келган даромад маълум бир воситалар ёрдамида ташилиши, акс эттирилиши ёки тўпланиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда у моддий унсурнинг маълум бир кўринишига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг “моддий неъмат” сифатида эътироф этиш ҳам мумкин деган фикрларни билдириш мумкин. Лекин, ўзининг ташқи сифатларига кўра, ахборот моддий дунё ҳодисалари қаторига кирмайди, аммо уларнинг истеъмол қилиниши (шу жумладан, моддий дунё объектларига айланрилиши) учун улар соф жисмоний ҳолда объектлаштирилмоғи, яъни қоғозга, магнит лентасига ёки бошқа ахборот ташувчи материалга кўчирилмоғи лозим.[20, 38-бет.] Бошқача айтганда, фуқаролик ҳуқуқида “ахборот” тушунчаси мулк ҳуқуқини ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларни, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни, шартномавий мажбуриятларни, шунингдек улар иштирокчиларининг тенглиги, мулкий мустақиллигига асосланган бошқа мулкий ва уларга боғлиқ номулкий муносабатларни амалга оширишда фуқаролик айланмаси иштирокчилари муносабатларини расмийлаштириш ва амалга ошириш масалаларига дахлдор бўлган ҳолларда аҳамиятга эга ҳисобланади.[21, 150-бет.]

Хулоса қилиб айтганда, “ахборот” тушунчаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тушунча бўлиб, ушбу хусусиятлар ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси, қонунчиликнинг турли йўналишлари ва фанлар назариясига боғлиқ ҳисобланади. Қолаверса, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида “ахборот”нинг ҳуқуқий мақоми юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқининг белгиланиши, ундан кўзланаётган мақсадга эришиш учун қандай таркибга эгаллигини аниқлаш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 28.

2. Воскресенский Ю. Понятие «средства массовой информации». Роль коммуникации и СМИ в политической системе общества // «Юрист». – М., 2005. – № 6. – С.36.

3. Конвенция о доступе к информации, участию общественности в процессе принятия решений и доступе к правосудию по вопросам, касающимся окружающей среды. – Орхус, 25 июня 1998 г.

4. Менглиев Б., Холиёров Ў. Она тили. –Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.47.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 Жилд. –Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 119.

6. www.ziyouz.com кутубхонаси.

7. Винер Н. Кибернетика и общество. – М.: Наука, 1991. – С.620.

8. Шермухаммедова Н.А. Фалсафа. Электрон дарслик. Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари.

9. Мамадалиев Ш., Эрназаров Р. ва бошқалар. Демократия. Изоҳли луғат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.9-10.

10. Кенжаев О.Т., Рўзиев А.О. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2005. – Б.23-24.

11. Хуршид Дўстмухаммад. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 19.

12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига шарҳ. 1 Жилд. – Т.: “VECTOR- PRESS”, 2010. – Б. 278.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й. – № 1. – 2-м.

14. Закон Российской Федерации «Об информатизации»; Закон Азербайджанской Республики «Об информации, информатизации и защите информации»; Закон Республики Армения «О свободе информации»; Закон Республики Беларусь «Об информатизации»; Закон Кыргызской Республики «Об информатизации».

15. F.L. Computer Crimes Act tit. XL VI Chapter 815 (1978)

16. Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалари): Юрид. фан. номз. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

17. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. –Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.6.

18. Караходжаева Д.М. Гражданское право. –Т.: O'qituvchi, 2007. – С.90.

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004 й. – № 6. – 67-м.

20. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2002. – Б.38.

21. Туманова Л.В., Снытников А.А. Обеспечение и защита права на информацию. – М., 2001. – С.150.